

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМӢ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЮЛДОШЕВ УМИДЖОН ЮЛДОШЕВИЧ

**МИЛЛИЙ МАҚОМ АСАРЛАРИ АСОСИДА
БЎЛАЖАК МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНING
ИЖОДИЙ ТАФАККУРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

УЎК: 378.091.3:781.7(=512.133)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Юлдошев Умиджон Юлдошевич Миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантириш.....	3
Юлдошев Умиджон Юлдошевич Развитие творческого мышления будущего учителя музыки на основе произведений национального макома.....	23
Yuldoshev Umidjon Yuldoshevich Development of creative thinking of the future music teacher based on the works of the national makom.....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published woks.....	47

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Ped584 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tgpu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Аширбоев Самихон филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Холбой Ибрагимович педагогика фанлари доктори, профессор Ҳалилов Фахриддин Нуритдинович педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc. 03/30.01.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» январь куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. 2-қават, 203-хона). Тел/факс: (99871) 276-80-86; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: kengash@edu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1404 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 255-76-87; факс: (99871) 256-76-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» январь куни тарқатилди (2021 йил «16» январь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



Р.Х. Джурасев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф., академик

Р.Г. Исянов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

А.Х. Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, DSc., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон таълим муассасаларида миллий мусиқа асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг креатив механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. Бу борада БМТнинг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ЮНЕСКО махсус ташкилотининг юртимиздаги тарихий обидалар, қадимий шаҳарлар билан бирга, ёзма ва халқ оғзаки ижодиёти, катта ашула ҳамда “Шашмақом” мусиқасининг инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилиши, “Шарқ тароналари” анъанавий халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилиб келинишини алоҳида таъкидлаш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида миллий мақом асарларининг ўрганилиши ва уни кенг тарғиб этиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг таълим ва илмий муассасаларида миллий мақом асарлари асосида талабалар ижодий тафаккурини ривожлантириш, мақом санъатининг назарий ва амалий масалаларини тарғиб этиш, юксак ижро маҳорати асосида юқори педагогик натижаларга эришиш, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, замонавий метод ва технологияларни миллий мақом таълими жараёнига адаптациялаш, устоз-шогирд анъаналари асосида мақом санъатини ўргатишга оид тизимлаштирилган илмий тадқиқотларга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда бўлажак мусиқа ўқитувчиларига мақом санъати асосларини ўргатиш учун шароитлар яратиш, ижро маҳорати орқали педагогик натижаларга эришишни таъминлаш борасида 14 мақом маркази ва 4 ҳудудда мақом мактаблари ташкил этилди, мунтазам равишда кўрик-танлов ва фестиваллар ҳамда мақомларни ёзиб олишга доир ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида миллий мусиқани ўрганишни янги талаблар нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши ва қайта кўриб чиқиш белгиланган. Натижада, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, интеллектуал салоҳиятли, мустақил фикрлай оладиган ва юксак маънавиятли шахслар сифатида тарбиялашда кенг имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6000-сонли Фармони, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли, 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 ноябрдаги “Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида”ги 940-сонли, 2020 йил 2 сентябрдаги “Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 536-сонли Қарорлари, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг 1. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Мамлакатимизда мусиқа таълимини такомиллаштириш, ўқувчиларни эстетик тарбиялаш, ўқув материални идрок қилиши сифатини ошириш борасида Б.Азимов, С.Аннамуратова, М.Ахмедов, Ҳ.Ахмедова, С.Дўстов, Ш.Жанайдаров, Ф.Жўраев, С.Йўлдошева, Д.Камолова, Қ.Мамиров, А.Маҳамматов, Б.Мустафоев, Ш.Мустафоев, Ҳ.Нурматов, И.Раззоқов, Д.Рўзиев, О.Сафаров, Н.Толибоев, Ф.Тўраев, Ж.Ярашев, Н.Қиёмов, М.Қосимова, И.Қудратов, А.Қўшаев, Ф.Ҳалилов ва А.Ҳасановлар илмий тадқиқотлар олиб боришган. О.Матёқубов, А.Назаров, И.Ражабов, Р.Юнусов, Т.Ғофурбеков ва бошқалар ишларида мақомларнинг тарихи, унинг тузилиши, ижрочилик услублари ҳақида асосли фикрлар билдирилган. Ўзбек мумтоз мусиқий мероси, фольклор кўшиқларининг тарихи, назарияси, хусусиятларига оид илмий тадқиқотлар Р.Абдуллаев, С.Бегматов, Т.Визго, О.Иброҳимов, Ф.Кароматов, Қ.Панжиев, Н.Тоштемиров, И.Файзуллаев, Ғ.Худоев, М.Қодиров, Б.Қодиров, Т.Ғофурбеков ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Муаммонинг илмий-назарий жиҳатлари МДҲ давлатлари олимлари Э.Абдулин, Е.Бодина, О.Бочкарева, Э.Бурзина, Н.Иванов, Л.Коваль, А.Низамов, А.Репатская, В.Ражников ҳамда С.Шаббаев кабиларнинг илмий-тадқиқот ишларида баён қилинган.

Хорижий мамлакатлар олимлари томонидан республикамиздаги мақом санъатига мансуб бўлган мусиқий меросни ўрганиш бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, таниқли санъатшунослардан А.Бобохонов, С.Жумаев, Д.Кароматли, Т.Левин, Ю.Эльснер ва А.Юнглларнинг тадқиқотларида “Шашмақом”нинг лад ва бошқа масалалари тавсиф этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Узлуксиз таълим тизимида мусиқани ўқитишнинг сифат ва самарадорлигини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш” мавзусидаги инновацион лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш мавзусига доир фалсафий, педагогик ва психологик ишларни илмий таҳлил қилиш;

миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккур ривожланишини акс эттирган “Мусиқа ўқитувчиси модели”ни такомиллаштириш;

миллий мақом асарларини “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ўрганиш жараёнларини такомиллаштириш;

мақом ижрочилигининг ёш авлод, хусусан, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг мақом асарларига бўлган ижобий муносабатини ривожлантириш ва миллий оҳанглارни тинглаш маданияти бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириш шакли, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда анализ, синтез, анкета, савол-жавоб, умумлаштириш, таҳлил, лойиҳалаштириш, педагогик тажриба-синов ва математик статистика усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

бўлажак мусиқа ўқитувчисининг интеллектуал имкониятлари касбий фаолият мотивларини оптимал идрок жараёнига идентификациялаш асосида ривожлантирилган;

талабаларда миллий мақомга қизиқишини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари (мотивацион, интеллектуал ва ҳиссий) бадиий образли ижодий тафаккурни ривожлантириш босқичларини миллий-маданий қадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

мусиқа фани ўқитувчиси модели мақом санъатини (Бухоро шашмақоми, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўлларини) ўқитиш жараёнида шахсда олдинги тажрибалар негизида шаклланган кўрғазмали образларни ижтимоий-психологик, мусиқий-психологик, эстетик ва тарбиявий хусусиятларга узвий боғлаш асосида такомиллаштирилган;

миллий мақом асарларини бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантириш даражаси продуктив, репродуктив, қисман изланувчан тамойиллари, ўз-ўзини баҳолаш мезонлари ва индивидуал ривожлантирувчи машғулотлар касбий йўналтирилганлик, функционаллик, ижтимоийлашув, интеграцияланган формаллаштириш ва ихтисослаштириш принциплари асосида аниқлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

миллий мақом мусиқа намуналари орқали талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш бўйича семинар-тренинг дастурлари ишлаб

чиқилган;

такомиллаштирилган ўқув машғулоти, жумладан, компьютер имкониятларидан фойдаланилган машғулотлар ишланмалари мазмуни такомиллаштирилган;

миллий мақом асарларини “Устоз-шогирд” анъаналари асосида ўрганиш жараёنлари такомиллаштирилган;

мақом ижрочилигининг ёш авлод, хусусан, бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг мақом асарларига бўлган қизиқишларини ривожлантириш ва миллий оҳангларни тинглаш маданияти бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги амалга оширилган ёндашув ва усуллар доирасида фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитлар назарий жиҳатдан бойитилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, мақом асарларини ўрганиш жараёнида замонавий метод ва технологиялар воситасида талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, бўлажак мусиқа ўқитувчисининг мақомлар бўйича назарий тайёргарлигини таркиб топтириш ва миллий мақом мусиқасини ўрганишнинг методик тизимини такомиллаштириш бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилади. Тадқиқот натижаларидан мусиқа ўқув машғулотлари, шунингдек, ўқув ва услубий кўлланмалар, услубий тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Миллий мақом асарлари асосида бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантириш бўйича илмий натижалар:

бўлажак мусиқа ўқитувчисининг интеллектуал имкониятлари касбий фаолият мотивларини оптимал идрок жараёнига идентификациялаш асосида ривожлантиришга оид таклифлар мусиқа таълим йўналиши Давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 89-03-1847-сонли маълумотномаси). Натижада миллий мақом асарларини ўрганиш жараёнида овоз масаласи, регистр, куй тузилиши ва унинг турлари, халқ мусиқаси ладлари ҳамда миллий мақомларнинг лад ва интервал тузилишлари, умуман олганда, мақомларнинг назарий масалаларини ўзлаштириш ҳамда уларнинг ўқув жараёнида кенг ўрганилиши таъминланган;

талабаларда миллий мақомга қизиқишини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари (мотивацион, интеллектуал ва ҳиссий)ни миллий-маданий кадриятларга мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар “Бошланғич синф ўқитувчилари учун мультимедиали дарс ишланмалар мажмуасини яратиш” мавзусидаги лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 1 июндаги 89-03-1847-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур лойиҳа доирасида мусиқа таълимида мумтоз асарлар воситасида талабалар ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари, ўқитувчи модели, педагогик хусусиятлар, замонавий метод ва технологияларни адаптациялаш, шунингдек, тадқиқот натижаларини ташхислаш, генезиси, динамикаси, самарадорлиги ва эришилган эмпирик натижаларни қўллаш имкониятлари кенгайтирилган;

Мусиқа фани ўқитувчисининг ижтимоий-психологик, муסיқий-психологик, эстетик ва тарбиявий хусусиятлари ҳамда миллий мақом асарларини бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантириш даражаси продуктив, репродуктив, қисман изланувчан тамойиллари, ўз-ўзини баҳолаш мезонларига оид таклифлар асосида “Мусиқа назарияси (сольфеджио, гармония, муסיқий асарлар таҳлили)” номли дарслик ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274 сонли буйруғи асосида берилган 274-064-сонли гувоҳномаси). Натижада миллий мақом асарларини ўзлаштириш жараёнида бўлажак мусиқа ўқитувчисининг ижодий тафаккурини ривожлантириш самарадорлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот иши натижалари 6 республика ва 4 халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 мақола, шундан 5 таси республика, 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 148 саҳифани ташкил этади (шунингдек, ишда 59 расм, 27 жадвал, 1 гистограмма, 2 диаграмма, иловалар ва 293 фойдаланилган адабиёт келтирилган).

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган. Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, илмий тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети ҳамда тадқиқотнинг усуллари аниқланган бўлиб, диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти келтирилган. Кириш қисми сўнгида тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, якунида диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқот ишининг биринчи боби **“Бўлажак мусиқа ўқитувчисининг мақомлар бўйича назарий тайёргарлигини таркиб топтириш”**га бағишланган. Унда бўлажак мусиқа ўқитувчисининг касбий шаклланишида муҳим омил бўлувчи ижодий тафаккур алоҳида аҳамиятга эга. Мусиқа ўқитувчиси талабаларга мусиқий билимларни сингдиришга масъулдир. Бу жараёнда унинг билими, касбий тайёргарлиги, маънавияти ва маданияти, янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш даражаси муҳимдир. Маълумки, мусиқа ўқитувчисининг педагогик маҳоратини белгилайдиган муҳим омиллардан бири унда ижодий тафаккурни ривожлантира олиш имкониятидир.

Ижодий тафаккур – муаммоли вазиятнинг бутунлай янги ечимини таъминлайдиган янги ғоя ва ихтироларга олиб келувчи, яратувчи тафаккурдир, янги ғоя эса ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси ва бир-бири билан боғлиқлигига янгича назардир.

Мусиқа педагогикасида ижодий тафаккур деб мусиқа ўқитувчисининг ўқув машғулотлари жараёнида миллий мақом асарларидан намуналарни тинглаш ёки ижро этиш орқали ундаги бадиий-эстетик мазмунни адекват англаши, яъни мумтоз асарларда ифодаланган бадиий мазмуннинг шахс онгида акс этиши ёки шаклланишига айтилади.

Диссертациянинг ушбу бўлимида илмий тадқиқот ишлари таҳлиliga таяниб, ижодий тафаккур ва у билан боғлиқ педагогик-психологик жараёнлар, уларнинг таърифлари ва уларга янгича ёндашув, шунингдек, мақом асарлари асосида ижодий тафаккурни ривожлантириш динамикаси ишлаб чиқилган (1-расмга қаранг).

Мақомларнинг инсон ички оламига, унинг кечинмалари ва иродавий-ҳиссий муҳитига таъсири борасида ҳам тадқиқот ишида атрофлича мулоҳаза юритилган. Демак, мусиқа таълимини ривожлантириш, уни янги сифат босқичига олиб чиқишда мақом билимларига эга бўлган янги педагог кадрлар тайёрлаш муҳим ўрин тутди. Бу босқичда миллий мақом асарлари

орқали бўлажак музика ўқитувчиларида ижодий тафаккурни изчил, тизимли тарзда ривожлантириш мақсадга мувофиқ.



1-расм. Ижодий тафаккурни ривожлантириш динамикаси

Шуни айтиш лозимки, мақомларнинг ўзи ҳам педагогик – психологик жиҳатдан кучли тарбия қувватига эга. Талабаларда мақомлар ижроси орқали ижодий тафаккурни ривожлантиришда пайдо бўладиган айрим бадиий ва илмий-педагогик вазифаларни тўғри хал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

мақом ижрочилиги фаолиятининг бўлажак музика ўқитувчилари руҳиятига таъсирини ўрганиш;

мақом ижроси машғулотини сифатли ташкил қилиш мақсадида махсус психологик кўрсатмалар бериш;

мақом ижроси орқали бўлажак музика ўқитувчиларида ижодий тафаккурнинг ривожлантирилишини муваффақиятли амалга ошириш мақсадида психологик муҳит ва шарт-шароитларни вужудга келтириш;

мақом ижрочилиги воситасида маънавий-маданий масалаларга эътибор бериш;

мақом ижрочилиги фаолияти мотивларини уйғота олиш (2-расм).



2-расм. Мақом ижрочилиги фаолияти мотивлари

Мақом ижрочилигини амалга оширувчи мусиқий фаолият мотивлари бўлажак мусиқа ўқитувчиларида миллий руҳиятни ифодалашга, уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришга ва манавий камолоти юксалишига хизмат қилади.

Мустақиллик йилларида умумий ўрта таълим тизимида мусиқа педагогикаси бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Бироқ мақом асарлари асосида талабалар ижодий тафаккурини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмаган. Шу маънода, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини мақом санъати асослари билимлари билан қуроллантириш, мақом асарлари асосида талабаларнинг ижодий тафаккурини ривожлантириш, мақом таълимида устоз-шогирд муносабатларини такомиллаштириш, юксак амалий ижро маҳорати орқали педагогик натижага эришишни таъминлаш, унинг таълими, метод ва технологияларини ишлаб чиқиш ушбу тадқиқотнинг эксклюзивлигини таъминлайди.

Мақомлар тараққиёт жараёнида мазмунан ва шаклан ўзгариб келди. Даврлар давомида созанда, хонанда ва бастакорларнинг ижодий изланишлари натижасида мақом йўллари яхлитлашди ва мукаммаллашди. Шунингдек, мақомлар бир неча асрлардан буён инсонларнинг турли дамларида: ҳам қувончли, ҳам қайғули дамларида уларга ҳамроҳ, кўмакчи бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам бу мусиқа намуналари авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб келмоқда. Мақом мусиқаси ўзининг инсон ички оламига кучли ҳиссий таъсир этиш имкониятига эга бўлгани сабабли, улардан тарбия воситаси сифатида фойдаланиб келинади.

Фалсафий тарафдан мақом – мусиқа воситасида дунёни идрок қилиш; юксак эстетик аҳамиятга молик ҳаётий таассуротлар, тушунчалар, рамз ва образлар олами; руҳнинг чексиз гўзаллик ва мутаносиблик тимсоли бўлган “вахдату вужуд”га интилиши. Бири иккинчисидан келиб чиқадиган ва барчаси ўзаро боғлиқ, бўлган гўзаллик, мукаммаллик тимсоли мақом тафаккурининг умумий белгиси (рамзи) ҳисобланади.

Ўзбек профессионал мусиқасининг бой анъаналарини бизнинг давримизгача авайлаб сақлаб келган бастакорларнинг кейинги авлодини тарбиялаган кўпгина мақом усталари Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида яшаган. Шу билан бирга, бу хилдаги мактаблар халқнинг профессионал мусиқа таълимига бўлган муттасил интилишидан гувоҳлик беради.

“Мақомлар” деб умумий ном билан аталувчи қуйлар ва ашулаларнинг юксак ижролари мамлакатимизда 3 га бўлинган. Булар:

1) Бухоро шашмақоми; 2) Хоразм мақомлари; 3) Фарғона-Тошкент мақом йўллари.

Ушбу мақомларнинг юзага келишига доир ўчмас тарихимизда юз берган жараёнлар, имкониятлар ва баъзан тўсиқлар, шу билан бирга, йўналишлар ҳамда шарт-шароитлар талқини мазкур бўлимда ўз аксини топган. Тадқиқот ишида бу мумтоз мусиқанинг тарихи ва ривожланиш йўллари билан бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг асоси сифатида фойдаланиш мақсад қилиб қўйилган.

Тадқиқот ишида мақомлар мусикасининг назарий ва амалий томонларини ўз ичига олган ўқув фанлари таҳлил қилинган ҳамда танқидий ўрганилган (ўқув фанларига ажратилган соатлар ҳажми ҳамда мавзулар моҳияти), шу асосда таклифлар ишлаб чиқилган. Илгари сурилаётган ғоя махсус курс “Мақом санъати” модулини яратишдан иборат. Ўқув режасига махсус фан сифатида киритиш таклиф этилаётган “Мақом санъати” махсус курси (модули) ўзбек-тожик халқи мусиқа мероси асослари ҳисобланган мақомларга бағишланган ўқув фанидир. Ушбу фан мумтоз мусиқа меросимизнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олган “Шашмақом”, шунингдек, тарихий ва назарий асосга эга бўлган бу санъатнинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнини, унинг ашула ва чолғу асарларидан баҳс қилади.

Устоз-шоғирдлик анъаналари асосида олиб борилиши таклиф қилинаётган “Мақом санъати” махсус курси машғулотлари давомида кўплаб ижро малакаларини эгаллаб бориш кўзда тутилади

“Мақом санъати” махсус курси (модули) дастури талабаларга Бухоро Шашмақоми, Хоразм мақомлари ва Фарғона-Тошкент мақом йўлларининг чолғу ва ашула бўлимига кирувчи асарлар юзасидан тўлиқ ахборот бериш ва уларни таҳлил қилиш ҳамда ҳар бир мақом йўналишидан асарларни танлаб ашула ва чолғу йўлларини ўрганишни кўзда тутати.

Бундай асарлардан: Бухоро шашмақомининг Бузрук мақоми иккинчи гуруҳ шўьбаларидан Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфарлар; Рост мақоми биринчи гуруҳ шўьбаларидан Насри Ушшоқ, Наврўзи Сабо ва уларнинг тароналари; Наво мақоми биринчи ва иккинчи гуруҳ шўьбаларидан Талқини Баёт, Насри Баёт ва уларнинг тароналари, Савти Наво, Талқинча ва Қашқарчалари; Дугоҳ мақомидан Сарахбори Дугоҳ; Сегоҳ мақомидан Мўғулчай сегоҳ; Ироқ мақомидан Мухайяри Ироқ ва унинг тароналари; Хоразм мақомларидан Талқини Рост, Насри Уззол, Суворийи Наво, Нақши Дугоҳ, Насри Чоргоҳ, Талқини Сегоҳ, Сақили Вазмин; Фарғона-Тошкент мақом йўлларидан Баёт-1, Баёт-3, Чоргоҳ-1, Дугоҳ Хусайн-1, Чапандози Гулёр ва Ушшоқ сингари асарларни ўрганиб боришни тавсия қиламиз.

Тадқиқот ишида шунга амин бўлдики, ижрочилик санъатининг моҳир усталари бўлган ҳофиз, созанда ва бастакорлар ижоди туфайли мақом дилдаги ният, амалга ошиши мумкин бўлган мавҳум ғоядан куй ёки ашулаларга айланган. Мақом анъаналари уч асосий шахс – яратувчи, ижрочи ва тингловчи шахслари ижодий жараёнига таянади, ҳамда уларнинг уйғунлиги ягона муштарак жараён ҳисобланади. Мақомлар асарлар давомида уйғунлашган бир бутун тизим тарзида намоён бўлади. Шундай қилиб, миллий мақом асарлари ёшлар тарбиясига ижобий таъсир этиб, уларни комил инсон даражасига кўтаришда, хусусан бўлажак мусиқа фани ўқитувчиларининг ижодий тафаккурини ривожлантиришда муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Ишнинг иккинчи боби **“Мақом асарлари воситасида талабалар ижодий тафаккурини ривожлантиришнинг шарт-шароитлари”** деб номланган. Ижодий тафаккур ва унинг ривожланиши муҳим педагогик-

психологик жараён бўлиб, бу тизимли тарзда амалга ошириладиган педагогик фаолиятдир. Шу боис мазкур ҳодисани ривожлантиришнинг педагогик жиҳатларини ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Мақомлар замонавий оммавий мусиқа жанрларидан фарқли равишда сокин, улуғвор, залворли, салобатли, тингловчининг ички дунёсига, ички (ботиний) оламига ҳиссий таъсир кўрсатадиган мусиқа бўлганлиги сабабли уни эмоционал идрок этиш анча мураккабдир, шунингдек, бу мусиқани тинглаб, ундан маънавий завқ олиш учун маълум ҳаётий тажриба, фалсафий мушоҳада қудрати бўлиши ҳам талаб қилинади. Шулар асносида мақомларни тинглаш, улардан эстетик завқ олиш, маъносини англаш ва унга маълум муносабат билдириш мумкин. Мусиқа педагогикаси ёки мусиқа таълимида ҳам интеллектуал, ақлий фаолият, яъни дарс мавзусини ўрганиш вазифаси, иккинчидан, эмоционал, ҳиссий идрок, яъни тингланган ёки ижро этилган асарнинг бадиий мазмунини тафаккур қилган ҳолда англаш, ундан маънавий озик олиш, матн маъносини тушуниш, оҳанглар образларининг ифода имкониятларини тушуниб этиш талаб қилинади. Бу ерда мусиқий товушлар ҳаракати, диапазон, интервал муносабатлари, шакл ва фактура хусусиятлари, ритм ва ижро суръати (темп) алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги икки жиҳатни кўшган ҳолда, бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурни ривожлантириши мумкин.

Мусиқа ўқитувчисининг педагогик фаолиятидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, унинг моделини тузиш зарурати келиб чиқади.

Мусиқа ўқитувчисининг моделини тузишда қуйидагилар концептуал асос сифатида қабул қилинди:

мусиқа ўқитувчиси юқори даражадаги илмий-назарий (бунда эндиликда мақом асарлари бўйича билимга эга бўлиши ҳам аҳамиятли), педагогик-психологик ва илмий-методик тайёргарлик орқали юксак касбий маданиятга эга бўлади;

мусиқа ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида уларнинг касбий тайёргарлигини орттиришда илмий-назарий, педагогик-психологик таркибий қисмлар билан узвий равишда илмий-методик тайёргарлик амалга оширилади;

ўқитувчининг педагогика олий таълим муассасаларида ўзлаштирган барча билим, малака ва кўникмалари педагогик фаолиятда хусусий методик даражада, яъни мусиқани ўқитиш жараёнида қўлланилади. Шу боис ўқитувчи касбий тайёргарлигининг таркибий қисмлари ичида методик тайёргарлик асосий ўринни эгаллайди.

Шунингдек, педагогик техника ўқитувчига ўқувчилар билан мулоқотда бўлишда тўғри муомала тарзини танлаш имконини беради. Демак, педагогик техниканинг таркибий қисмлари, мулоқот жараёни таркибий қисмлари ва мусиқа таълимининг ўзига хос хусусиятлари бўлажак мусиқа ўқитувчисида ижодий тафаккурнинг ривожланишига замин яратади. Ушбу бўлимда инновацион таълим технологияларини мусиқа таълимига, хусусан, мақомлар мусиқасини ўзлаштиришга йўналтириш орқали ундан кутиладиган педагогик

натижалар ёритилган.

Қуйидаги чизмада “Муסיқа ўқитувчиси модели” акс этирилган (3-расм).



3-расм. Муסיқа ўқитувчиси модели

Ҳозирги муסיқа-педагогика таълими жараёнида талабга жавоб берадиган муסיқий материалларни танлаш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, дарс жараёнида фаолликни ишга солиш ва янги методларни қўллаш давр талаби саналади.

Маълумки, муסיқа таълими методларини тарихийлик принципига кўра 2 гуруҳга ажратиш мумкин:

анъанавий (тарихий) методлар: тушунтириш, суҳбат, такқослаш, кўргазмалилик, изчиллик, акапелла ҳамда тинглаш каби методлар.

замонавий методлар: “устоз–шогирдлик” методи, “мен муסיқа танлайман” методи, “муסיқа билан учрашув” методи, “давомийлик” методи ва “эслаш” методи.

Таълим жараёнида ахборот-технологияларини қўллаш ўқитувчига дарс жараёнини янада самарали ташкил этишга имкон беради. Шунингдек, дарс жараёнида муסיқани матн, овоз ва видео кўринишда такдим этиш фаннинг методик имкониятларини бойитади ва дарс сифатини таъминлайди ҳамда таълим беришнинг эксклюзивлигини янада оширади. Инсонга энг юқори

таъсир кўрсатувчи оҳанглар мақом асарларида мужассамлашган бўлиб, шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда иш кўриш таълимнинг ўзига хослигини намоён қилади ва таълим сифатини оширади.

Жаҳон ва мамлакатимиз мусиқа таълимида тадқиқотчилар томонидан ишлаб чиқилган қатор янги педагогик метод ва технологияларни ўрганиш, амалиётда синаб кўриш, натижаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг энг оптимал вариантлари танланди ва бўлажак мусиқа ўқитувчиларининг ижодий тафаккури ривожланишида ҳамда уларни касбга тайёрлашда мақомлар мусиқасини ўрганиш жараёнида қўлланди. Ижобий илмий-услубий натижаларга эришилди ва истиқболда қўлланадиган янги методлар ишлаб чиқилди, мусиқа компьютер дастурлари (Sibelius, Nuendo, Melodyn, AIMP3) асосида иш олиб бориш усуллари таклиф қилинди, бу каби метод ва технологиялар мақом асарларини ўрганишда қўллаш учун адаптацияланди.

Миллий санъатимиз ва миллий педагогикамизда асрлар давомида шаклланган устоз-шогирд анъаналарига кенг урғу бериш, бу анъаналарни давом эттириш ва ривожлантириш тақозо этилади. Тадқиқот иши доирасида биз мамлакатимиз мусиқа таълими тизимида устоз-шогирд анъаналари қай тарзда ташкил этилганлигини ўргандик. Маълум бўлишича, бу анъана узок йиллар давомида шаклланган ва давом этиб келмоқда.

Мусиқа таълимида, хусусан, мақом таълимида устоз-шогирд муносабатларида иккита жараён мавжудлиги эътироф қилинади:

шогирд устоздан мақом асарларини ижро этиш сирларини яқка тартибдаги машғулотлар, мустақил таълимга ажратилган соатларда ўрганади ва дарсдан ташқари машғулотларда норасмий ўзаро келишган ҳолда вақт белгилаш асосида ўрганади;

устоз-шогирдга мақом асарлари тарихи, назарияси ва ижро услублари бўйича маслаҳатлар бериб боради.

Шунингдек, ушбу бўлимда шогирдга қўйиладиган талаблар ҳам ўз аксини топган бўлиб, буюк алломаларнинг устоз-шогирдлик борасидаги фикрлари илгари сурилган. Жумладан, устоз-шогирд анъанаси доирасида чолғу ва вокал ижрочилигининг асосий назарий ҳамда амалий кўникмалари мусиқа ва санъат мактабларида, мусиқа коллежлари ва лицейларида, қолаверса, олий мусиқа таълимида шакллантирилади, ижро услублари таҳлил қилинди. Шу боис олий мусиқа таълимида, бўлажак мусиқа ўқитувчиларини тайёрлашда ва уларнинг ижодий тафаккурини ривожлантиришда бу анъаналардан фойдаланиш янада самарали бўлиб, муҳим натижаларга олиб келганлиги кузатилди. Шунингдек, тажриба-синов ўтказилган худудлардаги устозлар ва шогирдлар, уларнинг методикалари, эришган ютуқ ва камчиликлари ҳам ушбу бўлимда таҳлилий ўрганилиб, таклиф ва хулосалар баён қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Тажриба-синов ишлари ва унинг натижалари”** деб ном олган. Маълумки, мақомлар миллий этник ва ментал хусусиятлари орқали шахс, айниқса бўлажак мусиқа ўқитувчилари томонидан узлуксиз равишда ўзлаштириб борилади. Бу талабалар томонидан болалик давридан бошлаб ушбу мусиқани эшитиши, тинглаши ва натижада

уларга муносабат билдиришга кўникмалар шаклланиши билан боғлиқ ходисадир.

Ижодий тафаккур шаклланиши ва ривожланиши жараёнида эмоционал-психологик кечинмалар мусиқа асаридаги субъектив ва ижтимоий мазмунни англашнинг юқори даражасини акс эттиради, бунда ижтимоий омиллар аҳамиятини назарда тутиш лозим, чунки болалар ва ўсмирларда шаклланадиган дастлабки ижодий тафаккур механизмлари асосан маълум мусиқа асари ҳақидаги ижтимоий тасаввурлар негизида вужудга келади.

Миллий мақом асарларини ўрганиш асосида ижодий тафаккурнинг дастлабки шаклланиш даври ва ривожланиш динамикасини таҳлил қилиб, ушбу жараённинг анча мураккаб эканлигини эътиборга олган ҳолда, тизимли тарзда ташкил этилган инновацион мусиқа таълими орқали унга эришиш мумкинлигини назарда тутилди.

Мақом шўъбаларини тинглаганда талаба мусиқанинг мазмунига киришиб, ижодий таҳлил қила бошлайди, бу эса ижодий тафаккур жараёнининг фаоллашишига олиб келади. Бу мусиқий идрок жараёнининг изчил фаолияти орқали амалга оширилади. Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишларининг ташкилий шакллари вазифалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тайёрланди ва экспериментал тадқиқот ишлари муваффақиятли амалга оширилди.

Учинчи боб сўнгида ишнинг натижали жараёнлари таҳлил қилинди. Шу асосда мақомлар мусиқасини ўзлаштириш орқали бўлажак мусиқа ўқитувчиларида ижодий тафаккурнинг ривожланиш даражаси ва унинг самарадорлиги тадқиқ этилиб, маълум статистик натижалар кўлга киритилди. Шунингдек, тадқиқот давомида амалга оширилган барча назарий ва амалий иш натижалари, экспериментал ишлар таҳлили ва хулосаси, уларнинг рақамли таҳлили, иш якунида эришилган барча натижаларнинг умумий қиёсий ва мантиқий таҳлили амалга оширилган бўлиб, тажриба-синов ишларини амалга ошириш механизмлари, ташкилий жиҳатлари, тажриба-синов майдончаси, респондентлар сони, саволнома, анкета ва ҳ.к. батафсил баёни берилди, миллий мақом асарларини ўрганиш жараёни маълум методикаларга асосланган ҳолда амалга оширилди.

Айни пайтда ижодий тафаккурни ривожлантириш жараёнида талабалар фақат миллий мақом асарлари ижросини ўрганиш билан кифояланмай, балки мақомларнинг тарихи, замонавий технологияларнинг мақом дарслари ўқув жараёнига татбиқ қилиш йўллари ҳақида пухта билимга эга бўлдилар, бу эса тажриба-синов жараёни ва унинг натижаларида аниқ намоён бўлди.

Олиб борилган тадқиқот ишларининг қай даражада асосли ва самарали эканлигини аниқлаш мақсадида тажриба ва назорат гуруҳлари белгилаб олинди. Дастлабки ўтказилган савол-жавоблар натижаларида ҳар иккала гуруҳ талабаларининг мақомларни ўрганиш борасидаги фикри, билим ва тушунчалари деярли бир хилда бўлиб, етарли даражада эмаслиги билан ажралиб турарди. Юқоридаги мезонлар асосида тажриба-синов ишлари натижасини аниқлаш ва уни назорат кўрсаткичлари билан таққослаш мақсадида анкета саволларини тузиб талабаларнинг жавобларини олдик.

Тажриба-синов ишлари икки йўналишда олиб борилиб, бунда талабаларнинг мақомлар назарияси ҳақидаги билимлари ҳамда мақом асарларини ўрганишлари борасидаги амалий билим ва кўникмалар ҳосил қилишларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунда тажриба ҳамда назорат гуруҳлари ўртасидаги фарқни аниқлаб олиш назарда тутилди.

Олиб борган ишларимизнинг натижаларини аниқлаш ва уни таққослаш мақсадида ўтказган анкета саволларига берилган жавобларни 3 хил даража асосида баҳоладик:

юқори даража. Бунда барча анкета саволларига тўлиқ ва мазмунан, мантиқан тўғри жавоб қайтарган талабалар киритилди;

ўртача даража. Бунда анкета саволларига бир оз қийналиб бўлса-да, жавоб беришга эришган талабалар киритилди;

паст даража. Бунда қўйилган саволларга талаб даражасида жавоб бермаган, савияси ва билими саёз талабалар киритилди.

Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда талабаларнинг ижодий тафаккурини мақом асарлари асосида ривожлантириш ва уларнинг мақомлар ҳақидаги билимлари самарадорлиги даражасини аниқлаш юзасидан олинган натижалар математик-статистик таҳлил қилинди.

Тажриба-синов ишларига жами 380 нафар, жумладан, тажриба гуруҳида 191 нафар ва назорат гуруҳида 189 нафар талабалар жалб этилди.

Дастлабки баҳолаш мезонига кўра 8 та саволнинг умумлашган ўртача қийматлари қуйидаги жадвалда келтирилди (1-жадвал).

1-жадвал


№	ОТМ	тажриба гуруҳи			назорат гуруҳи		
		юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Низомий номидаги ТДПУ	6	14	29	5	14	29
2	Навоий давлат педагогика институти	5	15	29	5	14	28
3	Самарқанд давлат университети	4	12	30	5	13	31
4	Бухоро давлат университети	4	14	29	5	13	29
5	жами:	19	55	117	19	54	116

Ушбу натижалар асосида илгари сурилган ғоялар ва махсус методик таъминотлар орқали ўқитиш ишлари олиб борилди ҳамда талабаларнинг мақом асарлари ҳақидаги тушунчалари анкета саволларига берган жавоблари орқали уларнинг ижодий тафаккуридаги ривожланганлик натижалари аниқланди.

Тажриба-синов ишлари якунидаги иккала гуруҳнинг барча саволларга жавоблари умумлаштирилган ҳолда ушбу жадвалда акс эттирилди (2-жадвал).

№	ОТМ	Тажриба гуруҳи			Назорат гуруҳи		
		юқори	ўрта	паст	юқори	ўрта	паст
1	Низомий номидаги ТДПУ	14	27	8	6	16	27
2	Навоий давлат педагогика институти	11	26	11	5	15	26
3	Самарқанд давлат университети	11	25	11	5	15	29
4	Бухоро давлат университети	12	27	8	5	15	27
5	Жами:	48	105	39	20	61	108

Ушбу танланмаларга мос келган диаграммани – талабаларнинг мақом асарлари асосидаги ривожланган ижодий тафаккури самарадорлик даражаси кўрсаткичлари диаграммасини берамиз (1-диаграмма).



1-диаграмма. Талабаларнинг ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари

Юқоридаги жадвал натижаларига асосланган ҳолда, мақомларнинг ўзаро муносабатларини ўрганишнинг самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари бўйича тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил қилдик.

Олинган натижаларнинг ҳаққонийлигини текшириш, илгари сурилган гипотезанинг самарали эканлигини аниқлаш ва талабалар ижодий тафаккурининг ўсиш коэффициентларини билиш мақсадида математик статистика усулларидан фойдаланилди.


Энди бошқа барча таълим муассасалари учун ҳисоблаш ишларини куйидаги жадвалда келтирамиз (3-жадвал):

3-жадвал

ОТМ	гуруҳлар	ўртача қиймат	самарадорлик	Хи квадрат	танланма дисперция	стандарт хатолик	ишонч интервали		ижодий тафаккурнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш кўрсаткичи	билиш даражасини баҳолаш кўрсаткичи	ўлчов хулосаси
Тошкент давлат педагогика университети	тажриба гуруҳи	4,12	1,16	16,01	0,45	0,67	3,93	5,22	1,05	0,57	Н1
	назорат гуруҳи	3,56			0,49	0,70	3,36	4,51			
Навоий педагогика институти	тажриба гуруҳи	3,99	1,13	12,91	0,48	0,69	3,80	5,07	1,02	0,46	Н1
	назорат гуруҳи	3,54			0,47	0,69	3,34	4,50			
Самарқанд давлат университети	тажриба гуруҳи	4,00	1,14	12,02	0,47	0,69	3,80	5,09	1,03	0,49	Н1
	назорат гуруҳи	3,51			0,46	0,68	3,32	4,45			
Бухоро давлат университети	тажриба гуруҳи	4,08	1,15	16,82	0,43	0,65	3,89	5,19	1,04	0,55	Н1
	назорат гуруҳи	3,53			0,47	0,69	3,34	4,49			
жами:	тажриба гуруҳи	4,05	1,15	57,22	0,45	0,67	3,95	4,61	1,09	0,52	Н1
	назорат гуруҳи	3,53			0,47	0,68	3,44	4,02			

Демак, барча кўрсаткичлар критик қийматдан катта ва қўйилган гипотеза шартини бажарганлиги учун олинган натижаларда тажриба гуруҳидаги ўқитиш самараси юқори эканлиги исботланди.

Олий таълим муассасаларида тажриба якуни бўйича талабалар ижодий тафаккурининг ривожлантирилиши самарадорлиги кўрсаткичлари (2-диаграмма).



2-диаграмма. Таълим муассасаларининг талабалари ижодий тафаккурининг ривожланганлик самарадорлиги кўрсаткичлари

Ушбу статистик маълумотларга кўра, олиб борилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги ўртача 15 %га юқори экани маълум бўлди ва олиб борилган тадқиқот иши натижалари самарали экани исботланди. Бундан маълумки, тадқиқот доирасида амалга оширилган экспериментал ишлар якунида эришилган илмий педагогик натижалар қўйилган илмий фаразнинг тўғрилигини яққол исботлади. Бўлажак мусиқа ўқитувчиларида мутахассислик фанлари воситасида миллий мақом мусиқасини ўзлаштириш орқали ижодий тафаккурни ривожлантириш имкониятлари кенгайганлиги кузатилди. Бунда ижодий тафаккур ривожланганлиги – мақомларнинг тарихи ва ривожланиш босқичларини қанчалик ўзлаштирганлиги, мақом асарлари матнининг мазмунини қанчалик англаганлиги ҳамда мақом мусиқаси оҳанглари қанчалик хотирада сақлай олганлиги, мақом асарларининг ритм, лад хусусиятлари ва намудларни ўзлаштирганлик мезонлари орқали аниқланди.

ХУЛОСА

1. Мусиқа таълими ёш авлоднинг эстетик тарбиясида муҳим роль ўйнашини жамиятнинг ўзи исботлаб турибди. Мусиқа ҳис-туйғусига эга бўлган шахс маънавий ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топа олади.

2. Ҳар қандай таълим йўналишида бўлганидек, мусиқа йўналиши бакалаврларини тайёрлашда ўқитувчига қўйиладиган талаблар мусиқа ўқитувчисига ҳам тааллуқлидир. Уларнинг эксклюзив томони шундаки, мусиқа таълимига болалиқдан мусиқа туйғусини эгаллаган шахслар жалб қилинади ва уларда қўйи таълим тизимида олинган билимлар мактабгача таълим ташкилоти – мактаб – ўрта махсус – олий таълим муассасаларида такомиллаштириб борилади. Бу эса уларнинг мусиқий тафаккури

ривожланиш босқичларини англатади.

3. Мақомларга турли даврларда турлича муносабатда бўлинди. Бу унинг таълим тизимида, хусусан, олий педагогик таълим тизимидаги ўрнига салбий таъсир этмай қолмади. Ўзбек халқининг бой эстетик мероси Президентимизнинг “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида қайта жонланди, лекин мақом фани олий педагогик таълим ўқув режасидан ўрин олмади, балки бошқа турдош ўқув фанлари ичида ўрганиб келинди. Бу кемтикни тўлдириш мақсадида ушбу тадқиқотда “Мақом санъати” махсус курси ишлаб чиқилди ва унда мақом асарларини танлаб ўқитиш тамойиллари ҳал қилинди.

4. Тадқиқотда мусиқа таълими методлари ва технологиялари ҳам танланди. Ишда мақом санъатини ўқитишнинг муаллифлик метод ва технологиялари биринчи марта жорий қилинмоқда, шу жумладан, Sibelius, Nuendo, Melodyn, АИМР-3 технологиялари мақом асарларини ўрганиш ва ўргатишга адаптация қилинди. Улар мақом асарларини ўқитишда самарали эканлиги тасдиқланди.

5. Олий таълим муассасалари талабаларига ашулачилик нафасини ўргатишда нутқ органларининг иш жараёни анимациясини компьютерда намойиш қилиш мусиқа, жумладан, мақом асарларининг талабалар томонидан интенсив ўрганилиши учун имконият яратиши ишда асослаб берилди.

6. Олий мусиқий (педагогик) таълимда талабалар таркиби фақат соз чалувчилар, ашула айтувчи ва соз чалувчилар, фақат ашула айтувчилардан ташкил топади. Бундай вазиятда уларнинг ансамблини ташкил этиш, “бири бирига устоз, бири бирига шогирд” тизимини ташкил этиш натижалидир.

7. Мусиқа, хусусан, мақом таълимида устоз-шогирд муносабатида икки жараён – шогирд устоздан мақом асарларини ижро этиш сирларини яқка тартибдаги машғулотлар, мустақил таълимга ажратилган соатларда ташкил этиш ҳамда устоз шогирдга мақом асарлари тарихи, назарияси ва ижро услублари бўйича бутун фаолияти даврида маслаҳат бериб бориш анъанаси таълим жараёнида энг мақбул метод сифатида ўзини оқлади.

8. Узлуксиз таълим тизимида мақом асарларини ўрганишда овоз имкониятларини таълим олувчиларга ўргатишда дифференциал ёндашиш лозим. Айниқса, умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари билан ишлашда қийинчилик мавжуд, чунки синфда мусиқани ўрганишга мотивацияси бўлмаган ўқувчилар ҳам ўқиб, уларга овоз имкониятларини тайёрлашда алоҳида ёндашиш, яъни яқка тартибда қўшимча дарслар уюштириш, унда овоз ёзиш техникасидан фойдаланиш кутилган натижага олиб келиши кузатилди. Мумтоз мусиқага иқтидори бўлган ўқувчилардан намуна сифатида фойдаланиш барча таълим босқичларида ижобий натижа берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЮЛДОШЕВ УМИДЖОН ЮЛДОШЕВИЧ

**РАЗВИТИЕ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ БУДУЩЕГО
УЧИТЕЛЯ МУЗЫКИ НА ОСНОВЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ
НАЦИОНАЛЬНОГО МАКОМА**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Ped584.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу: www.tdpu.uz информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу: www.ziyo.net.

Научный руководитель: Аширбоев Самихон,
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: Ибрагимов Холбой Ибрагимович
доктор педагогических наук, профессор
Халилов Фахриддин Нуритдинович
доктор педагогических наук, профессор

Ведущая организация: Ургенчский государственный университет

Защита диссертации состоится «28» января 2021 года в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за № 1404). Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «16» января 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 2 от 16.01 2021 года).



Р.Х. Джураев
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.п.н., проф. академик

Р.Г. Исянов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.п.н., доцент

А.Х. Махмудов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, DSc, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В образовательных учреждениях мира внедряются в образовательный процесс креативные механизмы развития творческого мышления будущих учителей музыкального образования на основе национальной музыки. С этих позиций следует особо подчеркнуть внесение ЮНЕСКО – Организацией по вопросам образования, науки и культуры ООН наряду с историческими памятниками, древними городами нашей страны письменного и устного народного творчества, катта ашула (букв. «большая песня» – вид национального песнопения) и музыки «Шашмаком» в репрезентативный список нематериального культурного наследия, проведение традиционного международного музыкального фестиваля «Шарк тароналари». Также, изучение произведений национального макома в Республике Узбекистан и его широкой пропаганды свидетельствует о системной работе, проводимой на практике.

В образовательных и научных учреждениях мира проводится научно-исследовательская работа по развитию творческого мышления студентов на основе произведений национального макома, пропаганде теоретических и практических вопросов искусства макома, достижению высоких педагогических результатов на основе высокого исполнительского мастерства, направленного на развитие творческого мышления будущего учителя музыки. Вместе с тем, особую значимость приобретает уделение внимания систематизированным научным исследованиям в области адаптации современных методов и технологий в процесс обучения национальному макому, обучения искусству маком на основе традиций наставничества.

В нашей стране осуществляется работа по созданию условий для обучения будущих учителей музыки основам искусства макома, с целью обеспечения педагогического результата посредством исполнительского мастерства организовано 14 центров макома и школы маком в 4 регионах республики, регулярно проводятся смотры-конкурсы и фестивали, осуществляется работа по записи макомов. В Постановлении Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию узбекского национального искусства маком» от 17 ноября 2017 года определена задача по анализу, пересмотру с точки зрения современных требований состояния изучения национальной музыки. В результате, созданы широкие возможности для воспитания молодёжи в духе уважения к национальным и общечеловеческим традициям как личностей с интеллектуальным потенциалом, независимым мышлением и высокой духовностью.

Данная диссертационная работа в известной мере служит осуществлению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан №ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-6000 от 26 мая 2020 года «О мерах по дальнейшему повышению роли и значения сферы культуры

и искусства в жизни общества», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-3391 от 17 ноября 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию узбекского национального искусства маком», №ПП-3907 от 14 августа «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №940 от 21 ноября 2019 года «Об организации специализированных школ-интернатов искусства маком», № 536 от 2 сентября 2020 года «Об организации деятельности узбекского национального института музыкального искусства имени Юнуса Раджаби» и других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: 1. «Духовно-нравственное, культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

